SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

ХДП O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

2018-yil, 1-mart. Payshanba • 18 (32.386) • Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Узлуксиз таълим ягона тизимининг муҳим бўғини сифатида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш, юқори малакали кадрларни, шу жумладан, ёш битирувчиларни жалб этиш, жамиятда давлат мактабгача таълим муассасалари педагогларининг нуфузини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг давлат мактабгача таълим муассасалари ходимлари айрим тоифаларининг:

а) 2018 йил 1 мартдан бошлаб — мудирлар, тарбиячилар, методистлар, ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар, мусиқа раҳбарлари ва тарбиячининг ёрдамчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 30 фоизга;

б) 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб:

тайёргарлик (5 ёшдан 6-7 ёшгача) гуруҳи тарбиячилари, олий маълумотли ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини, уларнинг базавий тариф ставкалари миқдорларини умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкалари миқдорларига тенглаштирган ҳолда 30 фоизга;

олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар педагогик маълумотли тарбиячининг ўринбосарлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 20 фоизга;

мактабгача таълим муассасалари мудирлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 10 фоизга табақалаштириб ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Касби, Миришкор, Қамаши, Чироқчи, Нишон, Яккабоғ ва Ғузор туманларида, Бухоро вилоятининг Олот, Шофиркон, Қоракўл, Пешку ва Ромитан туманларида, Сурхондарё вилоятининг Қизириқ, Музработ, Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон, Узун, Сариосиё туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар сақланганы учун амалдаги ота-оналар тўлови миқдори 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда икки баравар пасайтирилсин.

3. 2018 йил 1 мартдан бошлаб давлат мактабгача таълим муассасаларида тарбиячининг ёрдамчиси меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби базавий тариф ставкаларидан келиб чиқиб жорий этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2018 йилда ушбу қарорга мувофиқ давлат таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини ошириш бўйича қўшимча харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига молиялаштирилишини таъминласин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу харажатларни назарда тутсин;

давлат мактабгача таълим муассасаларини моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармасини шакллантиришга қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг қатъий равишда 15 фоизи миқдорида қўшимча маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаси маблағларидан мақсадли ва манзилли фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин, давлат мактабгача таълим муассасалари харажатлари сметаларида улар алоҳида сатрда ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон қарорининг 32-иловасига иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В.Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва мактабгача таълим вазири А.В.Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 февраль

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЭЛЧИЛАРИНИНГ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни Покистон Ислом Республикаси, Швейцария Конфедерацияси, Латвия Республикаси, Исроил Давлати, Германия Федератив Республикаси, Словакия Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Ирфон Юсуф Шомий, Оливье Шав, Михаилс Попковс, Эдуард Шапира, Гюнтер Оверфельд, Ян Бори ва Цзян Яндан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.**

Давлатимиз раҳбари элчиларни мамлакатимизда дипломатик миссиясини бошлагани билан самимий қутлаб, масъулиятли фаолиятида улкан ютуқ ва муваффақиятлар тилади.

Маросимда Ўзбекистон кучли фуқаролик жамияти ва жадал ривожланаётган бозор иқтисодиётига эга эркин ва демократик давлат барпо этишнинг янги тарихий босқичига қадам қўйгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида бошланган кенг кўламли ислоҳот ва ўзгаришлар муқаррарлик тусини олмоқда.

Очиқ ташқи сиёсат олиб бормасдан, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни мустаҳкамламасдан туриб белгиланган вазифаларни амалга ошириб бўлмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида ғоят қисқа даврда салмоқли натижалар қўлга киритилди. Хорижий давлатлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашда бундан буён ҳам барча саъй-ҳаракатларини сафарбар этиши ҳамда очиқ, дўстона ва амалий ташқи сиёсат олиб боришни давом эттиришини таъкидлади. Бунда аввало қўшни давлатлар билан муносабатларга алоҳида эътибор берилади.

Шунингдек, дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли шерикликни кенгайтириш сиёсати давом эттирилади.

Президентимиз ўз нутқида янги элчиларни тайинлаган мамлакатлар билан дўстлик алоқалари ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларига тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда анъанавий равишда муҳим ўрин тутаётган Покистон Ислом Республикаси билан кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият бераётгани таъкидланди.

Олий даражадаги мунтазам сиёсий мулоқотлар икки томонлама ҳамкорликни сезиларли фаоллаштиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, ўзаро савдо-сотиқ ҳажмини ошириш, агросаноат, фармацевтика, кўнчилик ва бошқа тармоқларда кооперацияни кучайтириш учун улкан салоҳият мавжуд.

Швейцария Конфедерацияси Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ва узоқ муддатли шеригидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Швейцария муносабатлари сиёсат, иқтисодиёт, молия ва банк, маданият ва таълим каби турли соҳаларда муваффақиятли ривожланмоқда. Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги билан самарали шериклик йўлга қўйилган.

Швейцариянинг етакчи компаниялари билан кимё, тўқимачилик, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳасида кооперация учун имкониятлар мавжудлиги алоҳида қайд этилди.

Латвия Республикаси билан фаол сиёсий мулоқот йўлга қўйилган, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар изчил ривожланмоқда.

Ригада буюк аждодларимиз Мирзо Улуғбек ва Абу Али ибн Сино ҳайкаллари ўрнатилгани мамлакатимиз ва халқимизга юксак ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Савдо, инвестиция ва инновациялар, транспорт ва логистика, энергетика, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларидаги дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари экани қайд этилди.

Ўзбекистон Исроил Давлати билан ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Исроилнинг илғор технологиялари, тажрибаси, илмий ютуқларини жалб этиш асосида биотехнологиялар, энергия ва сув ресурсларини тежаш, тиббиёт ва фармацевтика, туризм каби йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш таклиф этилди. Таълим, маданият ва спорт соҳаларида мавжуд катта салоҳиятдан фойдаланиш муҳимлигига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг ишончли ва узоқ муддатли шериги бўлган Германия Федератив Республикаси билан барча соҳаларда фаол мулоқот йўлга қўйилган, яқин алоқалар ва тажриба алмашуви қўллаб-қувватланмоқда.

Асосий эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори технологик тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Германиянинг етакчи компаниялари билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини ривожлантиришга қаратилди.

Илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасида алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Словакия Республикаси Ўзбекистон учун Европадаги истиқболли ҳамкорлардан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш билан бир қаторда савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида мавжуд салоҳиятни рўёбга чиқаришни таклиф этди. Бу ўринда, аввало, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё ва озиқ-овқат саноатида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Президенти Хитой Халқ Республикаси билан дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Икки давлат раҳбарларининг ўтган йили Пекин ва Остона шаҳарларида бўлиб ўтган учрашувлари ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиб, аниқ мазмун билан бойитди.

Давлатимиз раҳбари ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларида, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация, молиявий-техник, транспорт коммуникациялари ва бошқа йўналишлардаги шерикликни чуқурлаштириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

Транспорт-транзит йўлакларини ривожлантиришга доир минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўл магистралини қуриш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Хитой билан фан, маданият, таълим ва туризм соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёрлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти сўзининг якунида хорижий элчиларга мамлакатимизнинг вазирлик, идора ва ташкилотлари билан фаол ишлаш, жойлардаги салоҳият ва имкониятлар, халқимизнинг бой тарихи ва маданияти билан яқиндан танишиш учун ҳудудларга тез-тез ташриф буюришни таклиф этди.

Турли масъулиятли лавозимлардаги фаолияти давомида тўпланган тажриба хорижий дипломатларга белгиланган мақсадларга самарали эришиш ҳамда Ўзбекистон билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида ўз зиммасига юклатилган муҳим миссияни муваффақиятли адо этишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Ўз навбатида, янги тайинланган элчилар самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги кенг миқёсли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга бор саъй-ҳаракатларини сафарбар қилишини қайд этдилар.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ВИНОЧИЛИК СОҲАСИНИ ВА АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида хом ашё базасини яратиш ва ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош виночилик ва алкоголли маҳсулотларни (кейинги ўринларда алкоголли маҳсулотлар деб юритилади) реализация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириб бориш, шунингдек, ушбу соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, тизимга оид бир қатор муаммолар ва камчиликлар соҳага алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишнинг илғор технологияларини жорий этиш, экспорт салоҳиятининг барқарор ўсишини таъминлаш, соҳани бошқаришнинг самарали тизимини яратиш имконини бермаяпти, шу жумладан:

**биринчидан,** узумнинг техник навлари майдонларининг кескин қисқариб кетиши, уларни етиштириш бўйича илғор усулларнинг суст жорий этилиши, узумзорлар ҳосилдорлигининг пастлиги, шунингдек, фермер хўжаликларининг етарлича манфаатдор бўлмаслиги виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайиб кетиши ва қайта ишлаш қувватларидан самарасиз фойдаланишнинг тизимли сабабига айланди;

**иккинчидан,** озиқ-овқат этил спирти, пиво пишириш, ликёр-арoқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни янгилаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш бўйича қўлланаётган технологик сиёсат самарадорлигининг паст эканлиги, уларга мавжуд муаммоларни самарали ҳал этиш, шунингдек, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва мавжудларини модернизация қилишда кўмаклашиш имконини бермаяпти;

**учинчидан,** алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини истиқболли бошқаришнинг режали методи ишлаб чиқарувчиларга ишлаб чиқариш ҳажмини сотиш бозоридаги ишларнинг амалдаги ҳолатини ҳисобга олиб мустақил белгилаш, шунингдек, экспорт улушини ошириш ва миллий брендни хорижий бозорларга илгари суриш имконини бермаяпти;

**тўртинчидан,** алкоголли маҳсулотларни автоматлаштирилган назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимлари татбиқ этилишининг паст даражадалиги сифатсиз ва сертификатлаштирилмаган алкоголли маҳсулотлар айланмаси учун шарт-шароитлар яратмоқда;

**бешинчидан,** «Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ таркибида соҳага оид бўлмаган корхона ва ташкилотларнинг мавжудлиги ортиқча молиявий харажатларга, шунингдек, уларнинг соҳадаги фаолияти самарадорлигининг камайишига олиб келмоқда;

**олтинчидан,** халқаро ҳамкорликнинг етарлича даражада бўлмаганлиги ишлаб чиқариш циклини такомиллаштириш учун малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш, алкоголли маҳсулотларнинг маркетинг сиёсатини ва уларни брендлаштиришни кучайтириш, янги сотиш бозорларига олиб чиқиш имкониятларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тубдан такомиллаштириш, соҳани бошқаришнинг илғор технологияларини жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясига мувофиқ:

1. «Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги ва Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

«Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ ва унинг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини тегишлича «Ўзшаробсаноат» АЖ ва «Ўзшаробсаноат» АЖнинг Ривожлантириш жамғармаси деб қайта номлаш;

«Винагроимпекс» МЧЖни ўрнатилган тартибда тугатиш;

соҳага оид бўлмаган корхоналарни «Ўзшаробсаноат» АЖ таркибидан 1-иловага мувофиқ чиқариш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2018 йилнинг 1 апрелидан виночилик маҳсулотлари учун яроқлилик муддатини белгилаш тўғрисидаги талаб истисно этилади ва бундай маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга уларни сақлаш муддатини мустақил белгилаш ҳуқуқи тақдим этилади;

2018 йилнинг 1 июлидан алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўз виночилик маҳсулотларини туристик йўналишларида ташкил этилган заводга тегишли дегустация ҳудудларида (жойларида) чакана реализация қилиш ҳуқуқи берилади;

2019 йилнинг 1 январидан табиий винолар, виноматериаллар ва коньяк спиртини ишлаб чиқариш, шунингдек, узумни қайта ишлаш бўйича фаолиятни узумнинг мева берувчи техник навларини етиштириш бўйича 100 гектардан кам бўлмаган плантация майдонига, шунингдек, вино-коньяк маҳсулотларининг сақланиши ва етилиши учун эман бочкаларига эга корхоналар, қонунчиликда назарда тутилган бошқа талабларга риоя қилган ҳолда, амалга оширишлари мумкин;

2019 йилнинг 1 январидан ўз узумзор плантацияларининг хом ашёсидан ишлаб чиқарилган табиий узум виноларини қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тоифасига киритган ҳолда, ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни лицензиялаш бекор қилинади;

«Ўзшаробсаноат» АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси таркибига киради;

узумнинг техник навларини етиштириш учун ер майдонларини ажратиш «Ўзшаробсаноат» АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда юқори ҳосил олиш учун зарур бўлган тупроқнинг унумдорлиги, сув билан таъминлаш манбаларининг мавжудлигини ҳисобга олиб амалга оширилади.

3. Узумнинг техник навларини етиштириш бўйича мавжуд узумзорлар инвентаризациясини ўтказиш ва виночилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича таклифларни тайёрлаш бўйича Махсус комиссия (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

(Давоми 2-бетда)

## ИШИМИЗДА ЎЗГАРИШ БУГУН, ҲОЗИР СЕЗИЛИШИ КЕРАК

### ЎзХДП IX пленуми танқидий — таҳлилий руҳда ўтди



**Аввал хабар берганимиздек, пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг IX Пленуми бўлиб ўтди. Унда ислоҳотларнинг бугунги шиддатли босқичида партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар танқидий таҳлил қилинди, жорий йил учун асосий йўналишларни белгилаб олиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.**

Пленумда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маъруза ҳамда парламентга йўлланган Мурожаатнома асосида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бу жараёнда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг масъулиятини ошириш хусусида сўз юритилди.

(Давоми 3-бетда)

Фермер хўжаликлари эгалигидаги узумзорлар вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) кесимида инвентаризация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ВИНОЧИЛИК СОҲАСИНИ ВА АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА – ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

4. Махсус комиссия (С.Р.Холмуродов):

а) узумнинг техник навлари етиштириладиган, шу жумладан фермер хўжаликлари эгалигидаги узумзорларни жойига чиқиб вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) кесимида инвентаризация қилсин, улардан фойдаланишнинг оқилоналиги ва самарадорлик даражасини ўргансин;

б) инвентаризация якунлари бўйича 2018 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республикада виночилик соҳасини янада ривожлантиришнинг 2018-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори лойиҳасини киритсин, бунда:

узумнинг машҳур ва истиқболли навларини етиштириш, кўпайтириш, қайта ишлаш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини чуқур ўрганиш, виночилик соҳасида агротехник, карантин ва инновацион технологияларни ишлатиш;

хорижда виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган бозор механизмларини, шу жумладан ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи ўртасидаги кооперацияни, кластер моделини, уларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгилаган ҳолда жорий этиш;

республикада узумнинг жаҳон бозорида катта талабга эга генетик жиҳатдан янги, машҳур ва истиқболли навларини, шу жумладан микроклонлаш услуби, шунингдек, узумнинг in vitro генофонди коллекцияларини яратиш йўли билан етиштириш;

агротехника ва карантин тадбирларини ўтказиш учун харажатларни камайтириш, ҳосилдорликни ошириш, шунингдек, 3-иловада кўрсатилган ер майдонларидан узумни қайта ишлаш инфратузилмасини устувор ривожлантириш мақсадида узумнинг техник навлари экилган ҳар бир плантация майдонини камида 100 гектарга йириклаштириш;

«Ўзшаробсаноат» АЖ корхоналарига узумнинг техник навларини етиштириш учун ер участкаларини, шу жумладан узумнинг техник навларини етиштириш учун яроқли бўлган тоғолди ҳудудларидан ажратишга ва 2021 йилнинг охирига келиб «Ўзшаробсаноат» АЖ корхоналарининг плантацияларини, ушбу бандга мувофиқ уларни йириклаштиришни ҳисобга олган ҳолда, 10 минг гектарга етказиш;

республика ҳудудида виночилик ва узумчиликда ишлатиладиган техника ва ускуналарни ишлаб чиқариш бўйича қувватларни, шунингдек, ушбу соҳада агротехник воситаларни ишлаб чиқиш бўйича конструкторлик бюроларини яратиш;

узумнинг техник навлари плантацияларида, уларнинг тупроқ спецификасини ҳисобга олган ҳолда, томчилатиб суғориш тизими жорий этилишини кенгайтириш;

экиш материалларини турли вируслар ва бактериялардан, шу жумладан микоплазмлар ва бактериал саратондан ҳимоя қилиш бўйича карантин чора-тадбирларини амалга ошириш;

виночилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни ёнилғи-мойлаш материаллари, ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг бошқа воситалари билан узумнинг техник навлари плантацияларини шакллантиришнинг биринчи беш йиллигида имтиёзли нархларда таъминлаш;

ишлаб чиқарувчи, ер участкаси, узумнинг ҳолати, нави, барпо этилган вақти, ҳосилдорлиги ва бошқа тавсифловчи кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган узумнинг техник навлари плантациясининг Ягона реестрини шакллантириш;

экиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича комплексларни ва микроклонал кўпайтириш усули билан олинган узумнинг техник навларини кўпайтириш ва етиштириш учун питомникларни яратиш, улар томонидан мевали экинлар навлари мосланувчанлигини, ўсимликнинг экологик-генетик салоҳияти муҳит шарт-шароитларига мос келишини баҳолашнинг экспресс-методларини ўтказиш;

реконструкция қилинаётган ва янги яратилаётган узумнинг техник навлари плантацияларида фақат сертификатланган экиш материали экилишини таъминлаш;

виночилик ва узумчиликнинг ҳуқуқий асослари, уларни ривожлантириш бўйича давлат фаолиятининг асосий йўналишлари, виночилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, реализация қилиш, уларнинг бозорда айланмасини ҳисобга олиш ва назорат қилиш масалалари, шунингдек, ушбу соҳадаги бошқа муҳим жиҳатларни батафсил белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг «Виночилик ва узумчилик тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш каби муҳим вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратсин.

(Давоми, бошланиши 1-бетда)

Махсус комиссияга унинг ишига вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари ва мутахассисларини, экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари вакилларини қўйилган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Этил спирти, алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш бўйича республика комиссияси 2018 йилнинг 1 апрелигача амалдаги лицензия талабларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан ўткир алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича мавжуд бўлган йиллик ишлаб чиқариш қувватларини камида 60 фоиз ишлатиш тўғрисидаги талаблар эвазига бундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни квоталаш тизимини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда истиқболда узумнинг техник навлари плантацияларини жойлаштириш ва ушбу ҳудудларда кейинчалик ишлаб чиқариш объектларининг фаолиятини йўлга қўйишни ҳисобга олган ҳолда сув билан таъминлашнинг аниқ манбаларини аниқласин;

узумнинг техник навлари плантацияларининг ҳудудини суғориш учун сув қудуқларини бурғулаш учун рухсатнома беришга ҳар томонлама кўмаклашсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзшаробсаноат» АЖ, М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, бошқа манфаатдор идоралар ва муассасалар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 июнигача муддатда:

экиш материалларининг талабгир навларини импорт қилиш мақсадида, маҳаллий табиий-иқлим ва бошқа шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, узумнинг машҳур техник навларини етиштириш ва кўпайтириш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан, шу жумладан жойига чиқиб ўргансин;

ўрганиш якунлари бўйича узумнинг машҳур техник навларини етиштириш ва кўпайтириш, шунингдек, республика ҳудудида экиш материалларининг машҳур навларини экиш бўйича замонавий ишлаб чиқариш комплексини йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифларни Махсус комиссияга киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва «Ўзшаробсаноат» АЖ давлат ички тартиботларни тезлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин ва 2018 йилнинг 1 майигача муддатда Ўзбекистон Республикасининг Халқаро виночилик ва узумчилик ташкилотига кириш учун буюртмаси берилишини таъминласин.

9. Амалиётга:

мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, хорижий туристлар, турли мамлакатларнинг виночилик соҳаси вакиллари, эксперт ва мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда ҳар йили республикада вино фестивали ва Халқаро дегустация танлови ўтказилиши;

маҳаллий виночилик маҳсулотларининг кўргазма-ярмаркаларини хорижий мамлакатларда мунтазам равишда ўтказилиши жорий этилсин.

«Ўзшаробсаноат» АЖ бир ой муддатда 2018 йилда Тошкент шаҳрида вино фестивали ва Халқаро дегустация танлови ўтказилиши тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги доимий асосда «Ўзшаробсаноат» АЖга:

мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар ва муассасаларни кенг жалб этган ҳолда ҳар йили вино фестивали ва Халқаро дегустация танлови ўтказишда;

маҳаллий виночилик маҳсулотларининг кўргазма-ярмаркаларини хорижий мамлакатларда ўтказишда кўмаклашсин.

11. «Ўзшаробсаноат» АЖ:

ишлаб чиқариш циклини такомиллаштириш, маркетинг сиёсатини кучайтириш ва алкоголли маҳсулотларни брендлаш, уларни янги сотиш бозорларига олиб чиқиш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш;

мавжуд виночилик базасида иккиламчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни (узум ёғи, озиқ-овқат бўёқлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар) чуқур қайта ишлашни жорий этиш;

«Ўзшаробсаноат» АЖ вино-коньяк корхоналарида винолар ва коньякларнинг сифатини янада яхшилаш ва экспорт қийматини ошириш, шунингдек, вино материалларини сақлаш учун зангламайдиган пўлатдан сиғимлар ишлаб чиқариш мақсадида улар етилишига жойлаштириш учун эман сиғимлар паркини яратиш бўйича чоралар кўрсин.

12. Қуйидагилар:

узумнинг техник навларини ишлаб чиқарувчилар 2025 йилнинг 1 январига қадар муддатга, қишлоқ хўжалик экинларини қатор оралаб етиштиришидан қатъи назар, ер солиғини тўлашдан;

виночилик корхоналари Ўзбекистон Республикасида етарли ҳажмларда ишлаб чиқарилмайдиган, виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган ва фойдаланиладиган материаллар, хом ашё, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва буюмлар белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат асосида олиб кирилиши учун 2025 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловларини (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

13. «Ўзшаробсаноат» АЖ зиммасига озиқ-овқат этил спирти, пиво пишириш, ликёр-ароқ, виночилик ва бошқа алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш ва қайта техник жиҳозлаш бўйича кўмаклашиш юклатилсин.

14. Белгилаб қўйилсинки:

2019 йилнинг 1 январидан бошлаб пиво пишириш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўрнатилган тартибда «Ўзшаробсаноат» АЖ таркибига шартнома асосида уюшган аъзолар сифатида киритилиши мумкин;

«Ўзшаробсаноат» АЖ ўз улуши билан иштирок этадиган тижорат ташкилотлари фақат жамият кузатув кенгашининг қарори асосида акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади;

«Ўзшаробсаноат» АЖ корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини режалаштириш жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори асосида, талаб ва таклиф конъюнктураси таҳлили, тайёр маҳсулот қолдиқлари, шунингдек, тармоқни ривожлантириш концепциясини ҳисобга олиб амалга оширилади.

15. «Ўзшаробсаноат» АЖ ташкилий тузилмаси, шунингдек, бошқарув ходимларининг чекланган сони 74 нафар бўлган унинг ижро аппарати тузилмаси 4 ва 5-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

«Ўзшаробсаноат» АЖ бошқаруви раисига зарур ҳолларда бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида ижро аппарати тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

16. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзшаробсаноат» АЖ бошқарувининг раиси ва унинг ўринбосарлари жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан сайланади, лавозимига Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

17. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзшаробсаноат» АЖ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тошкент кимё-технология институтида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб виночилик соҳаси учун олий малакали кадрларни тайёрловчи факультетни тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш бўйича таклифлар киритсин.

18. Белгилаб қўйилсинки, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари виночилик соҳасида мутахассислик йўналишлари бўйича амалиётни тизимли асосда бевосита ишлаб чиқариш ва ўзга корхоналарда, шу жумладан «Ўзшаробсаноат» АЖда ўтайдилар.

19. «Ўзшаробсаноат» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан Тошкент кимё-технология институти ҳузурида Виночилик соҳасида мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, таълимнинг самарали интерактив услубларини қўллаб виночилик корхоналари ходимларининг билим ва кўникмалари даражасини ошириш;

виночилик иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган хорижий мамлакатларнинг виночилик корхоналари иш тажрибаси билан таништириш, шу жумладан у ерда мамлакат мутахассисларининг тажриба ўрганишини ташкил этиш, виночилик соҳасини ривожлантириш учун малакали хорижий экспертларни жалб этиш;

виночилик соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда маҳаллий ва хорижий илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш, инновацион ёндашувлар асосида виночилик соҳаси ходимлари учун биргаликдаги ўқув машғулотлари ва курслари ўтказилишини ташкил этиш.

20. 2020 йилнинг 1 январидан барча алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар, уларни ишлаб чиқариш ҳажмлари (тури, номи ва бошқа маълумотлар) тўғрисида ҳамда «ишлаб чиқарувчи — улгуржи сотувчи — чакана сотувчи — истеъмолчи» халқаси асосида реализация қилиниши тўғрисида батафсил ахборотни ўзида жамлаган алкоголли маҳсулотлар ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) тузилсин ва жорий этилсин, бунда қуйидагилар кўзда тутилсин:

ахборот тизими «UZINFOCOM давлат ахборот тизимларини яратиш ва қувватлаб туриш бўйича ягона интегратор» томонидан ишлаб чиқилиши;

ахборот тизими ишлаб чиқилишини молиявий таъминлаш манбалари — 50 фоизи Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва 50 фоизи «Ўзшаробсаноат» АЖ Ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзшаробсаноат» АЖ, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар мутахассисларидан иборат ахборот тизими яратилиши ва жорий этилишини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳини шакллантириш.

Ахборот тизимига уланишнинг охирги муддатлари қуйидагича белгилансин:

«Ўзшаробсаноат» АЖ улуши 51 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил қилувчи алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар учун — 2022 йилнинг 1 январигача;

алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналар учун — 2022 йилнинг 1 июнигача;

«Шаробсавдо» ихтисослашган улгуржи савдо базалари учун — 2022 йилнинг 1 октябригача;

алкоголли маҳсулотларнинг чакана савдоси билан шуғулланувчи юридик шахслар учун — 2022 йилнинг 1 декабригача.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти корхоналарнинг ахборот тизимига ўз вақтида ва тўлиқ уланиши устидан тизимли назоратни амалга оширсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йилнинг 1 июнигача муддатда:

хорижий амалиёт ва алкоголли маҳсулотлар бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, «Шаробсавдо» ихтисослашган улгуржи савдо базаларининг фаолиятини танқидий ўрганиш натижалари бўйича алкоголли маҳсулотларни реализация қилишнинг бозор механизмларини кенгайтириш бўйича, шу жумладан ишлаб чиқарувчиларга ўзларининг маҳсулотларини уларга тегишли бўлган фирма дўконлари ҳамда ушбу маҳсулотларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланаётган бошқа юридик шахсларга реализация қилиш ҳуқуқини бериш орқали таклифлар киритсин;

«Ўзшаробсаноат» АЖ Ривожланиш фонди ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 2018-2023 йиллар учун хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида виночилик ва узумчилик соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича Дастур киритсин, бунда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакани ошириш курсларини тугатгандан сўнг мутахассислар учун меҳнат фаолиятини «Ўзшаробсаноат» АЖ корхоналарида давом эттириш бўйича мажбуриятлар белгилаб қўйилсин;

хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда виночилик маҳсулотларини реклама қилишда чекловларни қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсин;

алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича корхоналарда молиявий инспекторларнинг фаолияти танқидий ўрганилишини ташкил этсин, бунда уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чораларни кўрсин;

«Ўзшаробсаноат» АЖ корхоналари томонидан энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш ва кенгайтириш Дастурини тасдиқласин.

23. Ҳисоб палатаси «Ўзшаробсаноат» АЖ, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2018 йилнинг 1 августига қадар «Ўзшаробсаноат» АЖ корхоналарининг бандлиги, штат бирликлари, харажатларнинг оқилоналиги, ташкилий тузилмаларини танқидий ўргансин ҳамда уларни мақбуллаштириш ва харажатларни камайтириш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини яхшилаш мақсадида фаолият самарадорлигини янада ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки виночилик соҳасини ривожлантириш мақсадида узумнинг техник навлари плантациялари учун ускуналар, техника, бутловчи ашёлар ва бошқа зарур воситаларни сотиб олиш мақсадида амалдаги қайта молиялаш фоиз ставкалари асосида имтиёзли муддати беш йилдан кам бўлмаган узоқ муддатли етти йиллик имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминласин.

25. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти икки ой муддатда таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам радиусда алкоголли ва тамаки маҳсулотларини реализация қилаётган субъектларни аниқлаш бўйича чакана савдо объектларини инвентаризациядан ўтказсин.

26. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳокимлари «Ўзшаробсаноат» АЖга мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

27. «Ўзшаробсаноат» АЖ Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддат ичида қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

28. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмуродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 февраль

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан ҳозирда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштириш, тарбияланувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан кенг кўламлиислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида «Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини эътироф этишимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида мактабгача таълим тизимида фаолият олиб бораётган раҳбар ва педагог ходимларнинг, мактабгача таълим муассасасидаги таълим-тарбияга масъул ходимларнинг меҳнатини рағбатлантиришга етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Масалан, 1993 йилга қадар мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячиси ва умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчиси меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори бир хил бўлган бўлса, Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан ҳозирга қадар умумтаълим мактаблари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари бир неча марта оширилгани ҳолда мактабгача таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи миқдорлари ўзгаришсиз қолдирилганлиги ҳисобига уларнинг ўртача иш ҳақи миқдори умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчисига нисбатан 60 фоизни ташкил этади, холос.

Бу эса, ўз навбатида, мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари истеъдоди, касб маҳорати ва иш фаолиятида шахсий ҳиссаси намоён бўлмаслигига ҳамда муассасанинг педагогик салоҳиятини пасайтиришга олиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айнан мактабгача таълим соҳасида юқорида қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган. Мазкур қарор билан мактабгача таълим муассасалари айрим ходимларининг иш ҳақи тўловларини қуйидаги миқдорларда 2 та босқичда ошириш кўзда тутилган:

1. 2018 йил 1 мартдан — мудир, тарбиячи, услубчи, ўқитувчи, дефектолог, психолог, мусиқа раҳбари ва тарбиячи ёрдамчиси 30 фоизга;

2. 2018 йил 1 сентябрдан:

олий маълумотга эга бўлган тайёрлов гуруҳи (5 ёшдан 6-7 ёшгача) тарбиячиси, ўқитувчи, дефектолог, психолог 30 фоизга;

олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячи ёрдамчиси 20 фоизга;

мактабгача таълим муассасаси мудири 10 фоизга.

Бунинг натижасида давлат мактабгача таълим муассасаларида меҳнат қилаётган жами 93555 нафар ходим, шундан 4908 нафар мудир, 3924 нафар олий маълумотли тарбиячи, 39523 нафар ўрта махсус маълумотли тарбиячи, 673 нафар методист, 3765 нафар дефектолог, 1450 нафар психолог, 33259 нафар тарбиячи ёрдамчиси ва 7503 нафар мусиқа раҳбарининг иш ҳақлари сезиларли даражада оширилади.

Ушбу қарорда 2018 йил сентябрь ойидан бошлаб олий маълумотга эга бўлган тайёрлов гуруҳи (5 ёшдан 6-7 ёшгача) тарбиячиси меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари миқдори умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкалари миқдорига тенглаштирилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, қарор билан мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш мақсадида ҳамда қишлоқ жойлардаги аҳоли турмуш даражасини инобатга олиб, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Касби, Миришкор, Қамаши, Чироқчи, Нишон, Яккабоғ ва Ғузор туманларида, Бухоро вилоятининг Олот, Шофиркон, Қоракўл, Пешку ва Ромитан туманларида, Сурхондарё вилоятининг Қизириқ, Музработ, Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон, Узун, Сариосиё туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида 2023 йилнинг 1 январигача ота-оналар бадал тўлови миқдорини 50 фоизга камайтириш назарда тутилган.

Ҳукуматимиз томонидан мактабгача таълим тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ҳамда қишлоқ ҳудудларда боғчалар учун ота-оналар тўловининг кескин пасайтирилиши мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга қамраб олиш даражасини оширишга ҳамда мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.







# ИШИМИЗДА ЎЗГАРИШ БУГУН, ҲОЗИР СЕЗИЛИШИ КЕРАК

## ЎзХДП IX пленуми танқидий–таҳлилий руҳда ўтди

Мазкур масала юзасидан **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ҳотамжон Кетмонов** маъруза қилди.

— Бугун камчиликлар рўй-рост айтилиб, уларга ечим топилмоқда, халқ билан мулоқот олиб боришда очиқлик муҳити яратилмоқда. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар жамоатчилик муҳокамасига қўйилиб, маслаҳатлашиб қабул қилинмоқда, — деди партия етакчиси. — Энг муҳими, ўзгаришлар одамларнинг онгу шуурида, жамият ҳаётида ўз ифодасини топмоқда. Бундай фаол ва талабчан муҳитда ишлаш сиёсий партиялар зиммасига жуда катта масъулият юклайди, албатта.

Шундан келиб чиқиб, партиямиз дастурий мақсадларига бевосита тааллуқли бўлган 87 қарор ва 37 фармон фракция ҳамда партия йиғилишларида ўрганилди, муҳокама қилинди, қатор вазифалар белгилаб олинди.

2017 йилнинг 12 июлидан ҳозирга қадар партия фракцияси йиғилишларида 116 қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Ҳар бир масала юзасидан фракциянинг нуқтаи-назари, яъни позицияси шакллантирилиб, бу ҳақда турли воситалар орқали электорат вакилларига маълум қилинди.

Қонун ҳужжатларини жойларга етказиш ва ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 2017 йилнинг 10 октябрь куни Адлия вазирлиги билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Шу асосда қонун, қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар жойларга тезкорлик билан етказиб берилмоқда.

Фракция ҳамда партия гуруҳларининг ижро ҳокимияти идоралари фаолияти устидан самарали парламент, депутатлик назоратини ўрнатиш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари ҳамкорлигида амалга чоралари кўрилди. Шунингдек, самарасиз фаолият юритаётган 18 бошланғич ташкилот иши танқидий кўриб чиқилиб, фаол БПТларга бирлаштириб юборилди. Партия кенгашлари билан алоқаси узилган 100 дан зиёд бошланғич ташкилотларда ҳамкорлик тикланди.

Давлат органлари ва ҳокимликлар тизимидаги турли лавозимларга, жумладан, депутатликка асосий захира шакллантирилиб, 196 нафар номзод киритилди.

Партиянинг ёшлар билан ишлаш фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, аҳволни тубдан ўзгартириш чоралари кўрилди. Ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан келишув имзоланди. Унга кўра, партиямиз Фарғона, Сирдарё, Тошкент вилоятларидаги уюшмаган ёшларга алоҳида эътибор қаратадиган бўлди.

Мазкур вилоятлардаги турли сабабларга кўра чет элга чиқиб кетган, ҳозирда ҳеч нима билан банд бўлмаган йигит-қизлар сони ўрганилган. Улар ҳақида маълумотлар базаси шакллантирилиб, доимий равишда мониторинг қилинмоқда.

ЎзХДП етакчиси ҳар бир йўналиш бўйича аниқ фактлар, ҳаётий мисоллар келтириб ўтди. Партиянинг аҳоли билан мулоқоти, тарғибот-ташвиқот ишларида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Миллий телерадиокомпания, электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва «Тараққиёт стратегияси» маркази билан меморандумлар имзоланган. Минтақавий кенгашлар ва маҳаллий телерадиокомпаниялар ўртасида қўшма чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Бу ишлар аҳоли билан яқин мулоқот муҳитини юзага келтириб, партиянинг имиджини яхшилашга хизмат қилиши қайд этилди.

Партия ташкилотларига қулай шароит яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, айрим кенгашларни бино билан таъминлаш масалалари ҳам босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Натижада 6 туман-шаҳар кенгашлари ўз биносига эга бўлди. Қатор вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашлари биноси жорий ҳамда капитал таъмирланди. Ушбу ишларга партия ҳисобидан 966 миллион 342 минг сўм маблағ йўналтирилди. Сергели туман кенгаши биносини жорий таъмирлаш учун эса 42 миллион 400 минг сўм маблағ ажратилди.

> ❝ Биз партия ташкилотлари, депутатлардан йирик ташаббуслар, ғоялар илгари суришини кутгандик. Афсуски, бу борадаги умидларимиз пуч бўлиб чиқяпти.



...оширииладиган ишлар бўйича чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилди. Вазирликлар билан биргаликда амалий ишлар йўлга қўйилди.

Партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижроси жойлардаги партия гуруҳлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Шунга кўра, ҳозирги кунда партия гуруҳларининг иш режалари қайта кўриб чиқилди ва назорат қилинадиган маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари доираси аниқлаб олинди. Мансабдор шахсларнинг ҳисобот ҳамда ахборотларини партия гуруҳлари ташаббуси асосида маҳаллий Кенгашларда эшитиш бўйича 2017-2018 йилларга мўлжалланган иш режалари тайёрланди ва ҳудудий партия ташкилотларининг ижроия қўмита йиғилишларида тасдиқланди.

Ушбу режаларга мувофиқ, **партия гуруҳларимиз 253 масалани сессиялар кун тартибига киритган бўлса, доимий комиссияларда 312, партия гуруҳлари йиғилишларида эса жами 535 масала муҳокама қилинди.**

**Маҳаллий Кенгашлар депутатлари юборган 4 мингга яқин депутатлик сўровидан 3242 таси ижобий ҳал этилди. 754 сўров назоратга олинди.**

Ҳотамжон Кетмонов электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан кадрлар билими ва салоҳиятига боғлиқ эканига алоҳида урғу берди. Партиянинг кадрлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси самарадорлигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

— Барча даражадаги партия ташкилотларида кадрлар билан ишлаш, уларнинг салоҳиятини ошириш масаласида янгича ёндашув юзага келмоқда, — деди партия раҳбари. — Ходимларнинг намунавий одоб-ахлоқ қоидалари ишлаб чиқилди ва бу ҳақда Марказий Кенгаш Ижроия қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди. Бу ишимизга танқидий нигоҳ билан қарашга, камчиликларни бартараф этишга хизмат қиляпти.

Ҳудудий партия кенгашларида ўтказилган йиғилишларда фаолиятини бугунги ислоҳотларга ҳамнафас йўлга қўя олмаган 2 нафар вилоят кенгаши раиси, 1 нафар раис ўринбосари ҳамда 12 нафар партиянинг туман кенгашлари раҳбарлари лавозимидан озод этилди. Бир гуруҳ вилоят, туман кенгаши раисларига нисбатан интизомий жазо





Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

(Давоми, бошланиши 1-бетда)

Пленумда партия ташкилотлари ҳамда депутатлар иши танқидий таҳлил қилинди. Ечимини кутаётган масалалар кўрсатиб ўтилди.

— Барча партия ташкилотларимиз ҳамда партия гуруҳларимизга аниқ вазифалар белгилаб берилишига қарамай, ҳамон сусткашликка йўл қўйилмоқда, — деди партия етакчиси. — Ишимизни тубдан кучайтириш бўйича ишлаб чиқилган дастурда мураккаб ёки қийин масаланинг ўзи йўқ. Бугунги таркиб билан, берилаётган шунча ваколатлар билан бундай вазифаларни икки баравар қилиб бажариш мумкин эди.

Хабарингиз бор, хонада ўтириб эмас, жойларга, юртимизнинг энг олис ҳудудларигача бориб, одамлар билан мулоқот ўтказиб, уларни қийнаётган масалаларни кўтариб чиқишни режалаштиргандик.

Афсуски, **айрим кенгашларимизда партия дастурини такомиллаштириш бўйича жўяли таклифлар чиқмади. Хусусан, Наманган ҳамда Тошкент вилоят кенгашлари бу масалада оқсоқликка йўл қўйди. Таклифларни шакллантиришда Мурувват, Саховат, Меҳрибонлик уйлари фаолиятини яхшилаш масалаларига эътибор қаратиш белгиланган бўлса-да, бу борада Фарғона ва Қашқадарё вилоят кенгашларидан бошқа партия ташкилотлари деярли иш олиб бормаган.**

Фаолиятимизни тизимли таҳлил қилиб, шу хулосага келяпмиз: фақат мажбуран талаб этилгандагина кўпчилигимиз ишлаймиз. Талаб этилмаса, ишлар ўз ҳолича қолиб кетаверади. Масъулиятни зиммасига оладиган тўрт-бешта одам виждонан ишлайди, холос. Бугунги ҳаракатимизга қараб бизгагина эмас, партиямизга баҳо берилишини бир зум ҳам унутмаслигимиз зарур.

— Яна бир нарсани афсус билан айтишга тўғри келяпти, — деди Ҳ.Кетмонов. — Баъзи масъуллар белгилаб олган Дастуримизнинг ичига тўлиқ кириб боргани, ислоҳотлар моҳиятини англагани ҳам йўқ. Биз партия ташкилотлари, депутатлардан йирик ташаббуслар, ғоялар илгари суришини кутгандик. Афсуски, бу борадаги умидларимиз пуч бўлиб чиқяпти.

**Ўтган йил 12 июлдаги йиғилишдан сўнг муносабатларимиз ҳам, қарашларимиз ҳам, шаштимиз ҳам бошқача эди. Натижа сўралганда, баҳона қидиришга тушамиз. Ҳозир таҳлил этадиган, ҳақиқатнинг юзига тик қарайдиган бўлсак, кўнглимиз тўладиган даражада ишлар амалга ошмаганини кўрамиз.**

Одамларнинг, электорат вакилларининг партиямизга умиди, ишончи катта эди. Улар қай даражада оқланди? Ўз олдингизга савол қўйиб, кейин унга жавоб излаб кўринг, деди Ҳ.Кетмонов.

Пленумда келгусида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотлари ишини кучайтириш, мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, битирувчиларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ вазифалар муҳокама қилинди. **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат Норбоев, партия Марказий Кенгаши бош консультанти Михаил Ельшов, Самарқанд вилоят Кенгаши депутати, Олий Мажлис Сенати аъзоси Зайнаб Бердиева, Қўрғонтепа туман партия ташкилоти раиси Зулхумор Каримова** ва бошқалар партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари фаолиятини танқидий баҳолаб, келгусидаги чора-тадбирлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Пленумда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

**Биринчидан,** Мурожаатномада билдирилган фикрлар ҳамда «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» бўйича Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, чора-тадбирлар дастурини такомиллаштириш, ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда маҳаллий кенгашларнинг навбатдаги пленумларида фракция ва партия гуруҳларининг чора-тадбирлар дастури ижроси бўйича ҳисоботларини эшитиш тизимини жорий этиш;

**Иккинчидан,** Мурожаатнома мазмун-моҳиятини ва унда белгиланган устувор вазифалар аҳамиятини қуйи тизимга тўлиқ, тушунарли ҳамда батафсил етказиш бўйича амалиётни янада кучайтириш;

**Учинчидан,** Давлат дастурида белгиланган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда партия фракцияси аъзоларининг фаол иштирокини, партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар, электорат манфаатларининг ифода этилишини таъминлаш;

**Тўртинчидан,** ижтимоий йўналишда қабул қилинган қонунларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, бир-бирини такрорловчи, бир-бирига зид қонун меъёрлари, қонуности ҳужжатларни ажратиш, яхлит тизимга шакллантириш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро мос келишини таҳлил этиш, шулар асосида қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича фракция фаолиятини кучайтириш;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашидаги ишчи гуруҳи томонидан янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида парламент муҳокамасига киритиш;

**Бешинчидан,** Марказий Кенгашда ишлаб чиқилган «йўл хариталари»да акс этттирилган йўналиш ва мақсадларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этиш;

**Олтинчидан,** кадрлар билан ишлашга оид барча ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, ушбу йўналишда аниқ мезон ва тартиблар жорий этиш, ходимлар малакасини ошириб бориш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ташкил этиш;

**Еттинчидан,** тарғибот-ташвиқот тадбирларида одамлар билан очиқ мулоқот қилиш, уларнинг фикри, муаммоларини эшитиш, саволларга тўғри, аниқ жавоб бериш, бунинг учун ҳар бир тадбирга алоҳида, жиддий тайёргарлик кўриш;

**Саккизинчидан,** хотин-қизлар йўналишидаги ишларни Президентнинг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган устуворликлардан келиб чиқиб ташкил этиш;

«Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича қилинаётган ишларни аниқ мақсадга йўналтириш, тадбирларни юқори савияда ташкил этиш лозим.

Пленумда **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев** фракция томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишлар, жорий йилги режалар хусусида атрофлича маълумот берди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилинди.

### Пленум якунлангандан сўнг айрим иштирокчиларнинг хулосалари, фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.



**Халилла ЕШИМБЕТОВ, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси, Жўқорғи Кенгесдаги партиямиз фракцияси аъзоси:**

— Ҳар биримиз фаолиятимизни танқидий таҳлил қилиб боришга одатланмоғимиз керак. Шунда ишимизда унум, самара бўлади. Ўтган йилги фаолиятимизга танқидий қараганимизда, қатор йўналишларда сусткашликка йўл қўяётганимиз яққол кўзга ташланиб қолди.

Қорақалпоғистон Республикасининг 15 та туман, шаҳар Кенгашлари депутатларининг 124 нафари партиямиздан сайланган. Улар муайян ишларни амалга оширган бўлса-да, электорат манфаатлари билан боғлиқ масалаларни етарли даражада ўрганишмаган. Йил давомида 17 нафар мансабдор шахс ҳисоботини эшитиш масаласи сессияга олиб чиқилган. Аммо бу бизни қониқтирмайди. Сайловчилар билан ўтказилган 350 га яқин учрашувда қонун лойиҳалари муҳокамасига деярли эътибор берилмаган. Шуларни ҳисобга олиб, маҳаллий депутатларга тарқатма материаллар етказилиб берилди. Партия ходимлари, ижрочи котиблар билимини оширишга қаратилган ўқувлар ташкил этиляпти. Ишни ўзгартириш учун биз аввал фикрлаш тарзимизни ўзгартиришимиз керак.



**Ўрол ЎРОЗБОЕВ, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:**

— Ютуқлар ҳақида эмас, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳақида кўпроқ ўйлашимиз зарур. Аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш, ҳудудлардаги муаммоларга ечим топишда биздан фаоллик, фидойилик талаб этилади. Пленумда партиямиз етакчиси тўғри айтди: ишлайман, деган одам муаммоларни ҳал қилиш йўлини албатта топади.

Зиммамизда турган энг асосий вазифалардан бири боқимандалик кайфиятига қарши курашиш билан боғлиқ, деб ўйлайман. Бу масалада номига тадбир ўтказиш ярамайди. Одамларга ҳар томонлама намуна бўлишимиз, қийинчиликларни енгишига ёрдам беришимиз керак.



**Акмал ТУРСУНБОЕВ, Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси:**

— Бугун одамларнинг дунёқараши, кайфияти тубдан ўзгаряпти. Шундай шароитда биз уларнинг талабларини қаноатлантира оляпмизми? Биз ўтказаётган тадбирларга, айтаётган гапларимизга жамоатчилик ишонадими? Нимаики ишни бошламайлик, қандай лойиҳаларга қўл урмайлик, шу саволлар хаёлимизда туриши зарур. Пленумда айтилган танқидий гаплардан кейин шундай хулосага келдим.

Олдимизда улкан, масъулиятли вазифалар турибди. Кўпчилик партия ташкилотлари масъуллари юқоридан тушадиган топшириқларни бажарсам бўлди, тадбирлар ўтказиш билан вазифамни уддаладим, муаммони айтдиму ишни қойиллатдим, деб ўйлашмоқда. Аммо муаммони айтиш бошқа, уни ҳал этиш учун жонни қийнаб, ҳаракат қилиш бутунлай бошқа. Энди биз шунга интилишимиз шарт. Акс ҳолда, бир жойда қотиб тураверамиз...

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

1 март — Зулфияхоним таваллуд топган кун

# «БАХТИМ ШУЛ — ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН»



*Эъзозлар, ардоқлар учун ташаккур,*
*Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.*
*Тонгларингиз кулсин дориломон, хур,*
*Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман.*

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтган йили Жиззах шаҳрида халқимизнинг ардоқли фарзандлари — Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб ёдгорлик мажмуаси барпо этилган эди. Мажмуадан жой олган хиёбон, ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва музей миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган, халқимизнинг суюкли фарзандлари хотирасига кўрсатилган ҳурмат эҳтиром рамзидир.***

***Суюкли шоирамиз Зулфияхонимни кўрган, билган ҳар бир киши уни нафақат буюк шоира, айни пайтда севги ва садоқат тимсоли, юксак маданиятли, ғоят кенг феълли улуғ инсон сифатида таърифлайди.***

**Ҳамид Олимжоннинг янгаси Шаҳрихон Ҳамроқуловадан ёзиб олинган хотиралар:**

— Зулфияхонимнинг кимдандир нолигани, хафа бўлганини эслолмайман. Аёлларнинг чиройли, дид билан, ораста-озода кийиниб юрганини яхши кўрарди.

Зулфияхоним ҳеч қачон аёллик фазилатларини, латофатини йўқотмади. Ишдан келиб ошхонадаги ишларга ҳам аралашиб кетаверарди. Олиб келган нарсангни ҳурмат билан дастурхонга қўярди. Рўзғорида ортиқча нарса деярли бўлмасди.

Ҳамид Олимжоннинг онаси Комила буви Зулфияхонимга нафақат она ва қайнона бўлди, балки кўп жиҳатдан ибрат кўрсатиб яшади. Зулфияхонимнинг ҳар бир ишида у кишининг фазилатларини кўргандек бўлардим.

**Раҳимахон Назарова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими:**

— Зулфияхонимнинг одамлар билан ҳар кунги мулоқотдаги улуғворлиги ва меҳрибонлик фазилати ижодда масъулиятни чуқур ҳис этиши ва букилмас ирода билан ажиб уйғунлик касб этганди. Биргина мисол. Ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида таниқли бошқирд адиби Мустай Каримнинг «Ой тутилган тунда» трагедиясини таржима қилди. Асар бугунги Ўзбекистон Миллий театрида муваффақиятли ўйналди, томошабинларга жуда манзур бўлди. Шундан кейин Мустай Каримнинг яна бир «Оловни ташлама, Прометей» деган асарини худди шу театр учун таржима қилиб беришларини сўраб илтимос қилдик. Зулфияхоним пьесани ўқиб чиқиб, ундаги йўналиш ўзининг ижодий усулига мос эмаслигини рўй-рост айтиб, таржима қилишга унамади. Ёзувчи Асқад Мухторнинг ижодий услуби бу пьесага анча мос келишини, унга мурожаат қилишимизни маслаҳат берди.

У кишининг олдиларида ўзимни бир ўқувчидек ҳис қилардим. Камгап эди, фикрларини юз-кўзларидан англаш мумкин эди. Худди олов ёнида турганингда тафтини сезганинг каби, Зулфияхонимдан ҳам меҳр таралиб турарди, назаримда. Катта-ю кичик, шоиру деҳқон, олиму ишчи — ҳаммага яхшилик қилиш ниятида бўларди.

**ЎзРФА академиги Сабоҳат Азимжоновадан ҳаётлигида ёзиб олинган хотиралар:**

— Ҳеч қайси давлат раҳбари ўзининг юқори даражадаги сафари чоғида республикамиздаги «Дўстлик» жамиятига ташриф буюрмаган. Лекин Зулфияхоним бу жамиятнинг Ҳиндистон бўлими президенти бўлиб ишлаган даврида (мен ўринбосари эдим) Ўзбекистонга ташриф буюрган Жавоҳарлаъл Неру ҳам, Лаъл Баҳодир Шастри, Индира Ганди ҳам бўлимимизга келиб, учрашувлар ўтказган.

Ҳиндистонда ҳатто Зулфияхонимнинг тутинган отаси бор эди. Панжоблик кекса шоир Гурбахш Сингх уни қишлоғига олиб бориб, одамларни йиғиб, улар орасида шоирани ўзига тутинган қиз қилиб олганлигини билдирганди. Ҳатто ёз фаслида ҳам Зулфияхонимнинг елкага солиб юрадиган бир нафис, чиройли рўмоли бор эди. Ўша рўмолни Гурбахш Сингх совға қилган, панжоблик қизларнинг ҳаммаси шунақа рўмол ўрашар экан-да!

«Ҳиндистондаги шеърий мусоҳаба Шарқ адабиётидаги мушоирадан тамоман бошқача, — деб ҳикоя қилганди Зулфияхоним. — Тўпланганлар бу мусобақага ҳакамлик қилади. Улар ҳеч кимни юз-хотир қилмай, шеърнинг ёққан-ёқмаганлигини тортинмай билдираверади. Яхши асарни такрор-такрор ўқишга мажбур қилишади, одамлар мисраларни, бандларни, шеърнинг ўзини дарров ёдлаб оладилар-да, завққа тўлиб, уни шоир билан бирга жўровоз бўлиб такрорлашади...».

Ана шундай талабчан, нозик табиатли ҳакам — ҳинд назм ихлосмандлари орасида Зулфияхоним шеърлари эътибор топди, дилларнинг ҳамдардига, ҳамрозига айланди. Шоиранинг 1970 йилда Халқаро Нилуфар мукофотига лойиқ топилиши — унинг шоир сифатида қатор мамлакатларда ҳурмат қозонганининг эътирофи ифодаси бўлди.

— Ҳиндлар Зулфияхонимни ажойиб инсон, нозик дидли шоира бўлганлиги учун жуда яхши кўради. Шоиранинг ўзи эса бу ҳурмату эъзозни «Ҳинд халқининг бобурийларга ва улар шарофатидан ўзбек халқига меҳру эҳтиромидан», деб шарҳлар эди, — деган эди **водиллик онахон Замирахон Юнусова.**

— Анҳорларидан Шоҳимардонсойнинг зилол сувлари оқиб ўтадиган, тоғлар орасида жойлашган сўлим Водил Зулфияхонимнинг яхши кўрган манзилларидан бири эди.

1965 йил октябрь ойида маҳалламизда «Шоира Зулфия Водилда эмиш», деган гап тарқалди. Бу хабарни эшитган онам: «Эртага Зулфияхонимнинг олдига борамиз», деди.

Зулфияхоним ҳамма билан бирма-бир кўришиб келаркан, менга навбат етганда онамга қараб: «Саодатхон, бу қизингиз худди Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романидаги Ҳаётхоннинг ўзи-ку!» деди. Ўша пайтларда мен бу романни ўқиган эдим, қувончим ичимга сиғмай кетди. Кейин Зулфияхоним: «Энди сени Ҳаётхон деймиан», деди.

Ўша учрашувлардан бошлаб менинг ҳаётимда жуда катта ўзгариш бўлгандек, бошқа одамга айланиб қолгандек эдим. Кейин билсам, Зулфияхоним билан ҳатто туғилган кунимиз ҳам бир кунда экан, қувончимга қувонч қўшилди.

1970 йилда Тошкентнинг Лабзак маҳалласидаги ҳовлиларига синглим Манзурахон билан бордик. Тонг саҳарда ташқарини супуриб, райҳон кўчатларини экдим. Зулфияхоним субҳидамда туриб шеър ёзар экан. Мен ўрик дарахтига қараб: «Аяжон, Ҳамид Олимжонга илҳом берган ўрик дарахти мана шуми?», деб сўрадим. «Ҳа, дедилар ва ўйга чўмиб. Ўрикни эккан одам йўқ ҳозир...», деб қўшиб қўйди.

Қанча юртларни кўрган, катта давраларда юрган инсон мен каби бир чекка қишлоқдан борган аёлга қилган муомалаларидан ҳайрон қолардим. Юзларида нур бор эди.

Иродаларига қойил қолардим, ҳеч қачон ҳеч нарсадан шикоят қилмасдилар. «Ҳаёт шунақа-да, ҳаётни ўрганиш керак одам. Қийинчиликларни енгиб ўтиш керак», дерди.

**Муҳтарама УЛУҒОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# ДИЁНАТ

## йўқолган жойда ор-номусга путур етади, нафс балоси устун келади

Одам қачон ўзига ўзи ташвиш орттиради?

Синалмаган кишига ишонса, лоқайд бўлса, ҳуқуқий билими етишмаса, таваккал қилиб бир ишга қўл урса, қонуний шартнома ўрнига оғзаки келишувлар қилса...

Яна қанчадан-қанча эҳтиётсизликлар, ўйламай ташланган қадамлар одамга ғам-ташвиш келтиради.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида яшовчи отахон Нумон Қаюмов ҳам соддалик қилдими, ишонувчан бўлдими, хуллас, ўз бошига ғавғо орттирди. Тўғриси, у одамларнинг лабзига ишонди, бегонага эмас, яқин танишига ва ўзининг куёвига ишонди. Оқибатда 2009 йилдан буён идорама-идора, судма-суд овораю сарсон юрибди.

Унинг таҳририятимизга ёзган шикоят хатида айтилишича, 2000 йилда Қашқадарё вилояти Қамаши шаҳрида яшовчи таниши Исроил Умаровга тегишли бўлган Шаҳрисабз шаҳри, Зафаробод кўчасида жойлашган 600 кв.метр (яъни, 6 сотихдан ошиқроқ) майдонга эга бўлган чала қурилган 51-уйни сотиб олади, ўзаро келишувга кўра, пулини бўлиб-бўлиб беради. Пулнинг бир қисми олти нафар қўшниси гувоҳлигида (тилхат мавжуд) берилади. Пулнинг қолган қисми уй Нумон Қаюмов томонидан тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, уй эгаси Исроил Умаров кадастр ҳужжатларини тайёрлаб бўлгач, берилишига келишилади. Уй қуриб бўлинади, ҳовли атрофи девор билан ўралади. Шундан сўнг Нумон Қаюмов пулнинг қолган қисмини 2015 йилнинг 25 февраль куни тўлайди. Бу ҳақда Исроил Умаров, унинг хотини Анвара Назарова ва қизи Мадина Ходиева иштирокида далолатнома тузилади. (далолатнома мавжуд). Ўтган йиллар давомида Нумон Қаюмов уй-жой ва ер солиғини бевосита ўзи тўлаб келади. (далолатнома мавжуд).

Уй тўлиқ битказилгандан сўнг, уйнинг биринчи эгаси Исроил Умаров уй-жойга эгалик ҳуқуқини расмийлаштириш учун тегишли ҳужжатларни Шаҳрисабз туман ҳокимлигига тақдим этади. Туман ҳокими қарори билан Исроил Умаров номига эгалик ҳуқуқи қайд этилади. Аризачининг фикрича, туман ҳокимининг бу қарори ноқонуний. Чунки амалдаги қонунчиликка кўра, уй-жойга эгалик (мулк) ҳуқуқи тўлиқ белгилангандан сўнг, уй-жойнинг ҳақиқий эгаси уйга алоқаси бўлмаган шахсга уй-жойни тасарруф этиш (фойдаланиш) ҳуқуқини берувчи ишончномани расмийлаштиришга йўл қўйилади. Ҳокимнинг бу қарорида эса Исроил Умаровга уй-жойга эгалик ҳуқуқи берилиши баробарида учинчи шахс Мадина Ходиевага уйнинг кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ҳуқуқи берилиши кўрсатилади. Биринчидан, бунга ҳокимнинг ҳаққи йўқ эди, иккинчидан, бу қарорга бошқа бир сохта ҳужжат асос қилиб олинади. Шаҳрисабз туман давлат нотариуси Дилфуза Меликова томонидан бир йил илгари — 2009 йил 29 октябрь куни Исроил Умаров номидан Мадина Ходиева (Қаюмова) номига уйни олди-сотдиси билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи Ишончнома расмийлаштирилади. Аммо бундан Нумон Қаюмовнинг хабари бўлмайди ва у бунга розилик ҳам бермаган. Яна бир масала, уй-жойнинг ҳақиқий майдони туман ҳокимининг қарорида 600 кв.метр кўрсатилган бўлса-да, давлат нотариуси томонидан берилган ишончномада 0,06 га, яъни, 0,06 сотих деб кўрсатилган. Бунинг устига кўча номи бор, уй рақами йўқ.

Нумон Қаюмовнинг гапига кўра, кенжа қизи Мадина Ходиева (Қаюмова) 2003 йил март ойида Бекзод Ходиев билан никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган ва ўрталарида 3 нафар қиз фарзанд дунёга келган. Куёвнинг оиласи отаонасига қарашли Шаҳрисабз шаҳар, Эшонпир кўчаси, 79-уйда 2008 йилга қадар яшаб келган. Б.Ходиев ака-укалари билан бир ҳовлида яшаган даврида юзага келган келишмовчиликлар сабабли ота-онаси уйидан чиқиб кетиб, ижарага уй-жой ахтаради. Қизи ва куёвининг қийналганини кўрган Нумон ота Шаҳрисабз шаҳри Зафаробод кўчасидаги 51-уйининг 200 кв.метрига вақтинча уй-жой қуриб, яшаб туришларига розилик билдиради. 2008-2009 йилларда куёви бу ерда икки хонали уй қуради ва алоҳида кириб-чиқиш учун дарвоза ўрнатади. 2010 йилда Нумон Қаюмов 600 кв.метр майдоннинг 400 кв.метрида ўзи қурган уй-жойни ўғли Қаюмов Бурхонга ва 200 кв.метрда қурилган уй-жойни қизи Ходиева Мадинага расмийлаштириб бериш учун ҳужжатларни Шаҳрисабз туман ер тузиш ва кадастр хизматига топширади. Лекин бу ҳужжатлар йўқолади. Нумон отанинг гумонича, ҳужжатларни куёви йўқ қилиб юборади. Бу орада куёвнинг хаёли бузилиб, Нумон отанинг 400 кв.метр ҳовли-жойига ҳам кўз олайтиради шекилли, қандай қилди ўзи билади, қайнотанинг 4 сотих, ўз оиласига ажратилган 2 сотих ҳовли-жой ва ёрдамчи биноларни битта кадастр ҳужжати билан хотини Мадинанинг номига ўтказиб олади. Шундан сўнг асосий мақсадига эришиш ҳаракатини бошлайди. Хотини Мадинани ўғил туғмаганликда айблаб, камсита бошлайди. Агарда айтганига кўнмаса, никоҳни бекор қилдириш билан қўрқитади. Ўзи юрист бўлгани учун ҳужжатлар билан ишлашни яхши билади. Туман нотариал идораси нотариуси Дилфуза Меликова ёрдамида 600 кв.метр ер майдонидан иборат уй-жой учун хотини Мадина Ходиева билан олди-сотди шартномасини расмийлаштиради, пулини ҳам бермасдан уйни ўз номига ўтказиб олади. Қизиқ ҳолат, эр-хотин бўлиб, уч фарзанд билан бир ҳовлида яшаб келаётган, айни пайтда қайнотанинг ҳовлисидан паноҳ топган куёвнинг ўз хотини билан уй-жойни олди-сотди шартномаси орқали ўз номига ўтказиб олишини қандай тушуниш мумкин? Қайси эр бирга яшаб келаётган қонуний хотини билан уйни олди-сотди қилади? Куёв бола узоқни кўзлаб, режа тузганга ўхшайди. Чунки қайнотасига тегишли ҳар икки уйга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритгач, хотинини болалари билан уйдан чиқариб юборади. Ҳатто 2013 йилда суд орқали никоҳини ҳам бекор қилдиради. Алдов ва жанжаллар гирдобида қолган Мадина бошини қаёққа уришини билмайди. Бунинг устига унинг 10 яшар қизи Комила 2016 йил декабрь ойида «апластическая анемия фанкони» (илик етишмовчилиги) касаллиги туфайли вафот этади. Унинг яна бир қизи Робия ҳам бу касалликка дучор бўлади. Энди инсоф билан Мадинанинг аҳволини тасаввур қилиб кўринг.

> Даъво аризаларида талаб қилинган бўлса-да, бирорта ҳам ҳақиқий гувоҳ, архитектор, ер тузиш кадастр хизмат ходими ёки бошқа мутахассисни судлар ишга жалб этмаган.
>
> Бундай ҳолатларда суд ишни ҳар томонлама ўрганиб кўрган, деб хулосага келиш мумкинми?..

Нумон Қаюмов масалага ойдинлик киритиш учун уйнинг биринчи эгаси Исроил Умаровга мурожаат қилади. Маълум бўлишича, Бекзод Ходиев қайнотам рози, деб қайнотага тегишли уйни сотиш ҳуқуқини берадиган ишончномани хотини Мадина Ходиева номига нотариус Дилфуза Меликовадан расмийлаштириб олади. Бу ўринда Исроил Умаров ҳам Бекзод Ходиевнинг гапига ишониб хатога йўл қўйган кўринади. Чунки у уйни ҳақиқатан Нумон Қаюмовга сотган, пулларни гувоҳлар иштирокида олган, бу ҳақда тилхат ва далолатномалар бор. Унда уй-жойнинг кейинги тақдирини ҳал қилиш учун нега бошқа шахсга ишончнома берилди?

2011 йил июнь ойидан уй-жой юзасидан жанжал ва низолар бошланди. Нумон Қаюмовнинг қизи Мадина Ходиеванинг уй-жойга эгалик ҳуқуқини тиклаш мақсадида қилган мурожаатлари Фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз ва Чироқчи туманлараро судларида ҳамда Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судида бир неча марта кўриб чиқилган ва турли мазмундаги қарорлар қабул қилинган. Хусусан, Шаҳрисабз туманлараро суди 2013 йил 4 июнь куни Мадина Ходиеванинг фойдасига ҳал қилув қарори чиқарди. 2013 йил 19 июль куни фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанцияси Шаҳрисабз туманлараро фуқаролик судининг ҳал қилув қарорини тўғри, деб топди.

Шундан сўнг, низоли уй-жой Шаҳрисабз туман ва ер кадастр хизмати томонидан 2014 йил 21 октябрь куни Мадина Ходиева номига расмийлаштириб берилади. Лекин фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 20 сентябрдаги ажрими билан уй-жой юзасидан Мадина Ходиеванинг талаби рад этилиб, масала Бекзод Ходиев фойдасига ҳал қилинади. Можаро бугунги кунгача давом этмоқда.

Воқеани таҳлил эта туриб, эски дард, эски савол қўзғалади: **бир масала юзасидан нега судлар турлича қарорларни чиқаради? Судьяларнинг билими, савияси ҳар хилми ёки бунинг бошқа сабаблари бормикин?**

Бизнинг назаримизда мазкур уй-жой муаммоси унчалик чигал ёки мураккаб эмас. Ақли-ҳуши жойида одам диққат билан масалани ўрганса, қатор ноқонуний ҳолатларнинг гувоҳи бўлади. Ҳамма гап шундаки, ҳар бир ноқонуний ҳолатга юридик баҳо берилмасдан ўтиб кетилаётганга ўхшайди. Айрим саволларга эътибор қаратайлик:

— Нотариус Дилфуза Меликова томонидан берилган ишончномада уй-жойнинг манзили аниқ кўрсатилмаган, ер ҳажми эса нотўғри кўрсатилган. Бунинг устига уй-жойни сотиб олган, 2000 йилдан тегишли солиқларни ўз вақтида тўлаб келган Нумон Қаюмовнинг розилиги олинмаган.

Хўш, бундай ишончнома юридик кучга эгами?

— Ушбу ишончнома орқали Шаҳрисабз туман ҳокимининг 2010 йил 16 ноябридаги қарори (№Х-1058/11) қабул қилинган. Қарорда ер майдони бошқа ҳажмда кўрсатилган. Бу рақамлар ҳатто турли босқичдаги судлар қарорларида ҳам шундай акс эттирилган. Бир-бирини инкор қилувчи икки хил ҳажмдаги ер майдони кўрсатилган қарорни ҳақиқий деб бўладими?

— Ўн икки йил давомида ер ва мол-мулк солиғини тўлаб келган Нумон Қаюмов бирорта ишда на даавогар, на тараф сифатида қатнаштирилмаган, унинг мурожаатларини ҳеч ким эшитмай келмоқда.

— Даъво аризаларида талаб қилинган бўлса-да, бирорта ҳам ҳақиқий гувоҳ, архитектор, ер тузиш кадастр хизмат ходими ёки бошқа мутахассисни судлар ишга жалб этмаган.

Бундай ҳолатларда суд ишни ҳар томонлама ўрганиб кўрган, деб хулосага келиш мумкинми?..

Бу каби саволлар кўп. Лекин уларга ким жавоб беради?..

Нумон отанинг айтишича, собиқ куёв бола юрист бўлгани учун ўзига яраша танишлари бор. Шунинг учун ғирром йўллар билан мақсадига эришиб келмоқда.

Аммо Нумон отага айтадиган гапимиз шуки, бугун замон бошқа, талаб бошқа, таниш-билишчилик каби ўйинларга энди йўл қўйилмайди. Ишончимиз комилки, суднинг юқори органлари бу масалани адолатли ҳал этади.

**Тоштемир БОБОЕВ**

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

**Qabulxona** — 233-65-45
**Xatlar va murojaatlar uchun** — 233-12-56
**Reklama va e`lonlar uchun** — 233-47-80, 233-38-55
**E-mail:** info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338. 14236 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23:05.
Topshirilgan vaqti — 01:55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
**Bardambek SA`DULLAYEV**
Sahifalovchi-dasturchilar:
**Zafar BAKIROV**
**Behzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 5 6